# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ХАЛҚПАРВАР ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА

Тадбирда сўз олганлар юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани ҳақида қатор фикр-мулоҳазалар билдиришди. Қизил тасмалар кесилиб, бино ичини кўздан кечириш жараёнида эса яратилган шароитларни кўриб бу ерга жам бўлган ҳар бир тумандошимиз қалбида шукроналик туйғуси жўш урган бўлса ажаб эмас. 20 мингдан ортиқ аҳоли вакилларига хизмат кўрсатувчи мазкур поликлиника ўйлаймизки, эндиликда фуқароларнинг мушкулини осон қилиб, узоқ йиллар мобайнида халқ хизматида бўлади.